

O'zbekiston ovozi

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ СИЙОСИЙ-ИЖТИМОИЙ ГАЗЕТАСИ □ 2000 ЙИЛ 19 ДЕКАБР СЕШАНБА № 147 (26.697)



Янги аср — Янги йилдан нималарни кутярсиз?

РОБОТ БОЗОРГА БОРАДИ

Жавоҳир, Тошкентдаги 17-гимназия мактабининг 3 «а» синф ўқувчиси:

— Янги асрда мен инглиз тилини 100 фоиз ўрганаман. Кейинки, шаҳар кўчаларида роботлар юриши, уйда туриб уларга иш буюришининг мумкин. Масалан, бозорга дадам эмас, эҳтимол, робот борар. Фақат яхши роботлар яратилса...

ОҚҚАН ДАРЁ ТЎХТАМАС

Феруза, ЎзТВ «Ассалом, Ўзбекистон» тонгли дастури ходими:

— Оққан дарё оқаверади. XXI асрда дунёни уйғотган улуг боболаримиз шон-шавкатини келажак авлод қайта тиклайди. Чунки биз иқтидорли халқимиз.

ФИКР АСРИ

Ғайрат, журналист:

— Дунёни ядро қуроли эмас, балки фикр, ақл заковат бошқаради.

ҚИШЛОҒИМИЗНИ ДУНЁ ТАНИЙДИ

Йўлдош бобо, Олтинсой тумани Мўминқул қишлоғи, сувчи:

— Кўшни қишлоқда Абдусамат деган чўпон ошман бор. Шунинг боласи чет мамлакатда ўқияптикан. Бир борганимда кўрдим, хат кепти. Эй, зап давр келди — мен Абдусаматга айтдим, сен бечора Термизни кўрганинг йўқ, ўғлинг Германияда ўқияптикан-а, десам, оғзи қулоғига етиб, дунёни ўқитган бошқаради, энди бизга ўхшаганларнинг ҳам елкасига офтоб теги, дейди.

Шу ошман тўғри айтади — эндиги келатган йилларда ўқимшили болалар кўпаяди. Қишлоқларимизни дунё танийдиган бўлади.

ЭЗГУЛИКНИНГ ҚЎЛИ БАЛАНД КЕЛАДИ

Шукур Холмирзаев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Тафаккур, инсон шуури цивилизация устидан голиб келади. Одамзот бирикмаса, тинчликни асраб қолмаса, Ер шарини йўқотиб қўйишни англаб етмайди.

Чунки инсоният ўз кашфиётлари билан Ер юзини ҳалоқат жари ёқасига олиб бориб қўйди. XXI асрда инсоният тинчлик учун оёққа қалқайди.

Фақат одамзот кўнгли дағаллашиб кетмаса бўлди. Қолгани яхши кечаяди.

БИРИККАНЛАР ЮТАДИ

Азамат, ЎзМУ талабаси:

— Менимча маҳаллийчилик, ҳасад, бир-бирини кўролмаслик касаллигидан кўтилган халқлар ягона мақсад йўлида бирикади. XXI асрда бир тан, бир жон бўлишимизни жуда-жуда хоҳлайман. Шунда ишимиз янаям юришади, қудратимиз ошади.

ОДАМЛАР ҲАМ ЎЗГАРДИ

Рустамали ота, Чуст тумани «Олмос» қишлоғи, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси:

— 1991 йилнинг сентябрь ойида одамларни ваҳима босувди, энди нима бўлади, деб. Қаранг, ҳаммамизнинг ҳам хаёлимизда СССРдан ажралсак кунимиз ўтмайди, деган ўй бор эди-да. Улмаган қул кўраверар экан, мана хаёлимизни алағда қилган фикрлар тумандай кўтарилди. 10 йил ичида одамлар ўзгарди, ўзи яратадиган, фақат ўз қўли теккан иншинг нони ширин бўлишини сезишди. Худо хоҳласа, кейинги 10 йилда янаям яхши ўзгариш бўлади.



ЧУСТ МАНЗАРАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 19 декабрдан бошлаб валюталарнинг бундан буғалторга ҳисобин, статистик ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун қориний валюталарнинг сумга нисбатан кундаги қийматини белгилади.

1 Австрали доллар	175,38	10 Люксембург франки	71,67
1 Австрия шиллинги	21,01	1 Малайзия рингити	84,96
1 Англия фунт стерлинги	476,90	1 Германия маркаси	147,83
10 Бельгия франки	71,67	1 Польша злотийси	74,54
1 Голландия гульдени	131,20	1 СДР	417,94
1 Греция драхмаси	8,49	1000 Туркия лираси	0,48
1 Дания крони	38,77	1 Финляндия маркаси	48,53
1 БАА дирхами	87,89	1 Франция франки	44,08
1 АҚШ доллари	322,80	1 Швейцария франки	192,25
1 Миср фунти	84,06	1 ЕВРО	289,13
10 Испания песети	17,38	10 Жанубий Корея вон	2,48
100 Италия лираси	14,93	10 Япония йенаси	28,69
1 Канада доллари	212,27	1 Россия рубли	11,54
1 Хитой юани	39,00	1 Украина гривнаси	59,38

ЗАВКИДАН ЗАРАРИ КЎП

Очигини айтганда, республикамизда айрим кишилар бир неча йилдан буён Янги йил арафасида кучли овоз чиқарувчи ўйинчоқ воситалари (қарсилдоқлар)ни сотиш билан шуғулланиб келишмоқда. Бирок, мазкур ўйинчоқлар байрам тантаналарини янада завқли ўтказишга эмас, балки кишиларнинг асабига ва соғлиғига жиддий зарар етказиб, байрамга салбий таъсир кўрсатаптир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар

ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ БИЛИМДОНИ

Яқинда республикамизда биринчи мартаба умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида Президент асарлари бўйича кўрик-танлов ўтказилди. Унда мактаб, туман ва вилоятда биринчилиكنи қўлга киритган Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 284-лицей мактабининг 11«А» синф ўқувчиси Дилфуза Қўлдосева тўрт босқич бўйича ўтказилган турда ўзининг билимдонлиги, зукколиги, теран фикрлиги билан юқори даражага эришди. У Халқ таълими вазирлиги томонидан уюштирилган «Президент асарлари билимдони» кўриктанловининг якуний босқичида I-даражали диплом соҳиби бўлди. Унинг бундай ютуққа эришишида устози, олий тоифали ўқитувчи Марҳаб Абдулҳақовнинг хизматлари катта бўлди.

■ Умида МАНСУРОВА

Экспорт — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Фаргона шаҳри кўчаларида «10000000 доллар экспорт. ДЭУ текстайл компани» деб ёзилган широрлар пайдо бўлди. Ҳа, бундан уч йил муқаддам Тошлоқ туманида иш бошлаган «ДЭУ текстайл компани» Жанубий Корея — Ўзбекистон тўқимачилик корхонасининг шу кунгача чет элларга экспорт қилган қалава, сурп ва бошқа маҳсулотлари қиймати юз миллион долларни ташкил қилди. Ўзбек йигит-қизлари ишлаётган Тошлоқ туманининг чет бир қишлоғидаги корхона маҳсулотлари айна пайтда жаҳоннинг Германия, Япония, АҚШ, Испания, ҳатто минглаб нақдирим олисдаги Бразилия, Индонезия каби мамлакатларида ҳам харид қилинмоқда.

Фаргона вилоят саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги бу йил хориж мамлакатларида маҳсулот сотишни кўпайтиришда жиддий ютуқларга эришмоқдалар. Масалан, «Ўзнефтигайташ» ишлаб чиқариш биришмаси шу йилнинг ўн ойи мобайнида Италия, Туркия, Польша каби 15 дан ортқ давлатга 36 миллион 695 минг долларга тенг нефть маҳсулотлари етказиб берди. Худди шу корхонага қўшни «Азот» ишлаб чиқариш биришмасида эса Эрон, Туркменистон каби мамлакатларга салкам 3 миллион долларлик маҳсулот сотилди.

Қувасой шаҳридаги «Қувасойцемент», «Кварц», «ТЖМ», «Дилорос» каби корхоналар ҳам валютага маҳсулот сотишда ўзгаларга ибрат бўлмоқдалар. Биргина «Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамияти 10 ой мобайнида хорижга 2 миллион 553 минг долларлик маҳсулот экспорт қилди.

Вилоят деҳқонлари жорий йилнинг ўн ойида хорижий мамлакатларга 15 миллион 660 минг долларлик ўзбек заминиде етиштирилган ҳўл ва қуруқ мевалар сотишган.

Фаргона шаҳридаги «Зиёрат» мехмонхонаси 2000 йилда чет эллик мижозларга 22,5 минг долларлик хизмат кўрсатишни режалаштирган эди. Хизмат сифатининг юксалиши, замонавий сервис, тадбиркорлик тўғрисидаги мехмонхона ходимлари кўрсатилган хизматлари учун олинган хўжани ҳўн ойида 110 минг долларга етказишга муваффақ бўлдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Юртбошимиз Ислон Абдуғаниевич!
Биз, Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати вакиллари Сизга қалбимизни тўлқинлантириб турган миннатдорлик туйғуларини изҳор этишдан бахтиёрмиз.

Истиқлол шарофати билан бизнинг халқимизнинг ҳам асрий орзумидлари рўёбга чиқди. Муаззам пойтахтимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлган Қорақалпоғистон маданияти байрами онгу шууримизда рўй берётган ўзгаришларни тўла акс эттирди, она Ўзбекистонимиз қардошлик, бунёдкорлик ва маънавият ватани эканини яна бир қарра тасдиқлади, десак, асло хато бўлмайди.

Бугунги мураккаб замонда Ўзбекистон халқи қуриш ва яратиш йўлидан бораётгани, улуг аждодларини хотирлаб обидоно зиёратгоҳлар бунёд этилгани ибратлидир.

Ўзбек халқи билан елкама-елка мустақил тараққиёт йўлидан бораётган қорақалпоқ халқи ҳам ўзинини таниб, тарихий илдишдан куч олиб, қудратли халқ бўлиб, янги асрга қадам қўймоқда.

Биз, қорақалпоқ адабиёти ва санъати аҳллари ҳам буюк келажакимизни бунёд этиш йўлида ўз сўзимиз ва созимиз билан хизмат қилсак, унинг пойдеворига бир гийт қўя олсак, ўзимизни бахтли деб ҳисоблаймиз.

Қорақалпоғистон маданияти кунларининг катта байрамга айланиб кетгани, қорақалпоқ халқининг бир гуруҳ истеъдодли фарзандлари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани Сизнинг бизга кўрсатаётган гамхўрлик ва ҳурмат-этиборингиз ифодаси деб билимиз.

Ўзбекистонимизнинг ўтмиши ҳам, бугуни ҳам шарафлидир. Келажак эса албатта буюк бўлади.

Илоийм, халқларимиз бахтига доимо омон бўлинг!

Қорақалпоғистон маданияти кунлари қатнашчилари

ФАОЛ ЁШЛАР

Миллат келажаги бугунги ёшларнинг фаоллиги билан баҳоланади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳузурда очилган «Истиқбол» ёшлар клубининг асосий мақсадларидан бири ҳам айнан келажак авлодининг фаоллигини оширишга қаратилган. Яқинда ушбу клубга кирувчи «Ёш иқтисодчилар» бўлими йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғинда ёшлар бугунги Ўзбекистон иқтисодиёти олдида турган вазифаларни ечишда ўз фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташлади. Бир сўз билан айтганда ўзбек ёшлари ўз келажагига бефарқ эмаслигини намойён этди.

■ Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

ЎЗБЕКЧА «КЕТЧУЛ»

Ўзбек савдо кўргазма марказида «Ўзмевабазавотузмасаноат холдинг» компаниясининг савдо ярмаркаси бўлиб ўтди. Кўргазмада республикамизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманлардаги консерва, шараб, вино заводлари ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Иштирокчилар орасида Самарқанддаги «BALTIMOR CHELEK» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ҳам бор эди.

«BALTIMOR CHELEK» қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга иқтисодлашган бўлиб, асосан томат пастаси ишлаб чиқарар эди. Иланишлар натижасида мана беш ойдири, бу ерда қўшимча тўрт хил кетчуп ва 8 турдаги компот ҳамда тузалмалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳсулотлар республикамиз ички бозорларида ҳамда МДХ давлатларида сотилмоқда.

Янги йилда қўшма корхона байрам совғаси сифатида кетчупнинг 7 турини сотувга чиқаришни мўлжаллапти.

■ Фахриддин ЖАЛИЛОВ,
«Қалмақ» тинловчиси

ОРОЛ ОНАЛАРИ ВА БОЛАЛАРИГА

Янги йил арафасида инсонпарварлик юки ортилган «Экосан-Эколот» Орол оналари ва болаларига махсус самолёти Оролбўйи минтақаси томон йўл олади.

Инсонпарварлик ёрдами юклари — дори-дармонлар, болалар кийим-кечаклари, ногиронлар аравачалари, оксилга бой озукавий-даволаш препаратлари, дезинфекциялаш эритмалари, сув чиқариш насослари ва бошқалардан иборат бўлиб, уни харид қилишда умумреспублика экологик шанбагидан тушган маблағ сарфланди.

Орол оналари ва болаларига хайрия ёрдамларини ташкил қилишда қатор вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар ҳамда элчионалар ҳам иштирок этишди.

Мазкур хайрия акциясида иштирок этишни истовчи ташкилотлар «Экосан» халқаро жамғармасининг қўйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат қилишлари мумкин:

144-15-51, 34-95-51, 133-14-50, 34-24-88

ХДП СОВРИНИ УЧУН

Яқинда Жума шаҳридаги «Пактор» уйиғида ХДП туман кенгаши асосида ХДП туман кенгаши соврини учун энгил атлетика бўйича «Кросс» мусобақалари ўтказилди.

Дастлаб мусобақа низоми ишлаб чиқилиб, йўналиш белгиланган олинди. Мусобақани хавф-хатарсиз ўтказиш учун туман ички ишлар ДАН бўлими, туман марказий шифохонасининг тез ёрдам бўлими ходимлари жалб этилди.

Беллашувда ҳужалик ва ташкилотлардан, мактаб, муассасалардан, маҳаллалардан 300 нафарга яқин 10 ёшдан 80 ёшгача бўлган вакиллар иштирок этишди.

Асосан 1500 ва 3000 метр масофада ўсмирлар ҳамда эрақлар, 1500 метрлик масофа бўйича қизлар куч синашди.

Умумий натижаларга кўра, туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчилари биринчи, мусика лицейи болалари иккинчи, мактаб

ўқувчилари учинчи, қизлар ўртасида 8-мактаб ўқувчилари иккинчи, 21-мактаб ўқувчи қизлари 3-ўринни кўлга киритдилар.

Катта ёшдагилар ўртасидаги мусобақада Жума шаҳар спорт мактаби ишчи-хизматчилари биринчи, футбол мактаби ўқувчилари иккинчи, «Ховузак» маҳалласи вакиллари учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Г. АМИРОВ,
Ўзбекистон ХДП
Пастдаргом туман
кенгаши биринчи
котиби



ҚАД РОСТЛАЁТГАН УМИД

Президентимиз ташаббуси кенг қулоч ёйди. Юртимиз бўйлаб жаҳон андозлари даражасидаги академик лицейлар ва касб-хунара коллежлари қад ростлади. Ана шундай илм даргоҳларида таълим олаётган фарзандини кўрган ҳар бир ўзбек кўнгли келажакка умид, ишонч ва асосийси, фахр туйғусига лиммо-лим. Фаллаоролликлар кўнглида ҳам шундай туйғулар жўш урган бўлса ажабмас. Чунки, фарзандлар тумандаги ягона замонавий саноат касб-хунара коллежиди тахсил олиш имкониятига эга бўлди. 300 миллионга яқин маблағ сарфланган ушбу маж-

муа 600 ўринга мўлжалланган бўлиб, ўқув бўлими, спорт майдончалари, талабалар ётоқхонасидан иборат. Коллежда тикувчилик, автотранспорт воситаларини таъмирлаш, нон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, бухгалтерия, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш соҳаси бўйича мутахассислар тайёрланади.

Бу илм даргоҳида келажакимиз униб ўсади, умдимиз қад ростлайди, дейди галлаоролликлар.

Ў. ХУДОЙЕР
ХАМИДОВ
Суратда: коллеж ҳаётидан лавҳалар.




ТОШНИ «ТИД»ГА КИРГИЗИБ...

Пахтачи тумани ҳудудидаги «Кизибий» тоғ этакларида жойлашган «Гранит» тош майдалаш корхонаси республикаимиз иқтисодийётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Бу корхона ишлаб чиқараётган гранит маҳсулотлари асосан мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб ўтган темир йўллар ва автомобиль йўллари қурилишида ишлатилади. Бундан ташқари, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига қарашли барча аэропортлардаги самолётлар учиш ва қўниш майдонлари қурилишида ҳам фойдаланилади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган 0,5-5мм, 5-25 мм, 25-60 мм, ҳажмидаги тошларнинг қатқилиги 12 балли тебранишларга ҳам чидамлилиги боис қимматли қурилиш материалли ҳисобланади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда қончилар табиий тошни портлатиб, сўнг корхона тегиригига келтирилади. Тегирмонга келтирилган харсанг тошлар мураккаб технологик жараён таъсирида майдаланади. Стандартланган тошчалар тайёр маҳсулот омирбига транспортёр ленталари орқали жўнатилади. Корхона бир кеча-кундузда ўртача 2000 метр куб маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Иш тўхтовсиз 3 сменада ташкил этилган. Республика ахтиёжидан ортан маҳсулот МДХ ва хоржий давлатларга экспорт қилинади. Жорий йилнинг 11 ойида корхонада 388,6 минг метр куб ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди.

Буни пулга хомчўт қиладиган бўлса, 307 миллион 405 минг сўмлик иш бажарилганлигини кўриш мумкин. Фойда 11 ойида 53 миллион 960 минг сўмни ташкил этди. Шу ўрин-



да корхона илғорлари — бош муҳандис Олим Шоназаров, бульдозерчи Шокир Маҳмудов, экскаваторчи Эркин Иброҳимов, чилангарлар Қажрамон Эштураров ва Эсон Сафаровларнинг амалга ошираётган ишлари алоҳида таҳсинга лойиқдир. Корхонанинг юқори кўрсаткичларга эришишининг асосий омилларидан бири ишчиларнинг иқтисодий муҳофазасига алоҳида эътибор берилганлигидир. Шу ўринда корхона раҳбарияти қасба уюшмаси билан ҳамкорликда ишчи-хизматчиларга бепул тиббий ёрдам кўрсатиб келаятганлигини, бир маҳал бепул иссиқ овқат ва сўт маҳсулотлари берилганлиги, ўз ёрдамчи ҳўжаликда етиштирилаётган маҳсулотлар арзон нархда сотилаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бундан ташқари, фойда ҳисобидан туман маҳаллари, болалар богчаларини таъмирлашда ҳамда тумандаги К.Ражабов, Ш. Қаҳҳоров номли, «Пахтакор» ширкат ҳўжаликларни ҳудудидаги маҳаллаларнинг ободончилик ишларига ҳомийлик қилмоқда.

Айтиш жоизки, туманда фаолият кўрсатаётган «Касб-хунара қурилиш» коллежининг ёш мутахассислари учун янги иш жойларини очиб қўйишда тугилиш ишларга кўрсатилаётган гамхўрликдан нишонандир.

— Мақсадимиз нафақат ёшларга гамхўрлик қилиш, балки республика иқтисодийётини юк-

Хатлар Хатлар Хатлар

ҚОЛГАН ИШГА ЁҚҚАН ҚОР

«Соғлом авлод» йилида жуда кўп хайрли ишлар қилинди, лицей, коллежлар қурилиб қисқа муддатларда фойдаланишга топширилди. Бироқ баъзи бир салбий ҳўлатлар ҳам учрамоқда. Мен одамлар эътирозига сабаб бўлаётган Денов туманидаги баъзи чала қурилишлар хусусида сўзламоқчиман.

1985 йил Бобур номли жамоа ҳўжалигининг Гулистон маҳалласидаги «Жартена» қишлоғида 2 қаватли 600 ўринли мактаб қурилиши бошлаб юборилди. Қурилишнинг умумий қиймати 20 миллион сўм бўлиб, уни тумандаги 280-қурилиш жамоаси бошлаган эди. Иш ярмига етганда қурувчилар негадир жуфтакни ростлаб қўлишди. Лекин бироз вақт ўтгач, «Лағмон» қишлоғида худди шундай 9-мактаб қурилиши бошлаб юборилди. Буёғи қандай бўлди?! Бир ишни охирига етказмай ўлда-жўлда ташлаб, бошқа юмушга киришиш мумкинми ахир?!

Қишлоқ аҳли йиғилиб, Вазирлар Маҳкамасига ёзган шикоят хатига 1997 йил 8 апрель куни №86,98 рақамли 2 та жавоб мактуби келди. Унда қурилиш ишлари учун 15 миллион 328 минг сўм маблағ ажратилиб, иш туман ҳўкимлиги зиммасига юклатилганлиги хусусида ёзилган. Бироқ натижа бўлмади. Мана, орадан 15 йил ўтибдики, чала қолган иморат нураб бормоқда. Жабрдийда болалар эса ўз мактаблари битмаётганлиги сабабли 2-3 километр масофадаги 17-умумий ўрта мактабга боришга мажбур бўлиаяптилар. Бундай салбий ишларни туманининг Ш. Қобилов номидаги ширкат ҳўжалигида чала етган 86-умумий ўрта мактаб мисолида ҳам кўриш мумкин. 800 ўринга мўлжалланган бу мактабнинг 600 ўринли қисми фойдаланишга топширилиб, 200 ўринли қисми чала ҳўлда ётибди. Тарновлар урнатилмаган, ертўлалар очик. Бизни бир савол қийнапти. Бу сансалорликларга ким жавобгар?! Қачонга-ча бу ҳўлат давом этади?!

Ў. РАУЛ БЕКМУРОДОВ,
Сурхондарё вилояти Денов тумани
Ш. Қобилов номидаги ширкат ҳўжалиги

ДИВИДЕНД ПУЛИНИ КАЧОН ОЛАМИЗ?

Биз, Гиждувон пахта тозалаш ҳўссадорлик жамиятининг ишчи-хизматчилари ва муҳандис-техник ходимлари 1995 йилда ҳар бирининг қиймати минг сўмлик оддий акцияларни ойлانганимиздан қийиб 5 тадан 15 тагача сотиб олган эдик.

1999 йил учун берилган оддий акция дивиденд пулини мана 2000 йил тугаб бормоқда ҳамки, ҳанузгача ологанимиз йўқ. Жорий йилнинг 19 августиди «Гиждувон ҳаёти» туман газетасида корхона маъмуриятининг билдируви босилиб чиққан эди. Унда корхона акциядорлари 2000 йил 10 сентябрдан бошлаб 1999 йилдаги дивиденд пулларини оладилар, дейилган эди. Мана, орадан 4 ой ўтиб кетибди ҳамки, пулдан дарак йўқ. Корхона бош ҳўсбосчи Абдулла Шодиев ва бошлиқ Омонулла Шодмоновлардан сас чиқмаяпти. Улар: «Тошкентдан пул келса берамиз», дейишяпти. Корхонанинг 1220 нафар акциядори шу қуларда дивиденд пулини қачон оларканмиз, деб сарсон-саргардон бўлиб юришибди.

Т. ТОЙ МАҚСУДОВ,
Бухоро вилояти Гиждувон тумани

КОЛЛЕЖНИНГ ҚЎЛИ БАЛАНД КЕЛДИ

Тошкент солиқ коллежиди «Ватан тимсоллари муқаддас!» мавзига бағишланган беллашув бўлди. Унда коллежнинг «Солиқчи» ва «Камолот» гуруҳлари Миллий хавфсизлик хизмати институти талабалари билан ўзаро мусобақалашдилар. Қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлган бу тадбирда «Солиқчи» гуруҳи ўзининг ҳозиржавоблиги ва зуққолиги билан голий келди. Кеча сўнггида Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикали драма театри саянтакорларининг бадий чиқишлари ҳам баргача манзур бўлди.

Жамила ТЕМИРОВА

КОРА КИЛМИШ

Андижон шаҳрининг Комил Яшин кўчасида яшовчи 7 ёшли Абдуқодир Солиҳўжаев тўсатдан йўқолиб қолди. Ички ишлар ходимлари томонидан тезкор қидирув ишлари бошлаб юборилиб, орадан икки кун ўтгач, мурғак йўлқанингда жасадни топилди. Ёлғизгина ўғилдан ажралиб қолган ота учун фарзандининг жасадини кўриш ниҳоятда оғир эди.

Абдуқодирнинг отаси Маҳмуд Солиҳўжаевнинг сўзларига қараганда уларнинг синглиси эски «Жигули»сини сотиб пулини Маҳмуд акага берди. Сақлаб туриш учун, албатта. Бундан хабардор бўлган укаси Шариф шу пулни ўғирлаб кетди. Маҳмуд ака укасини пулни жойига қўйсанг яхши бўларди, ахир у муштипар синглининг пули бўлса, дейди. Шундан сўнг Шариф 300 минг сўмнинг 210 минг сўмини олиб келиб берди. Бироқ қолган 90 минг сўмини қайтариб бермайдан деб акасини очик айтиди. Шундан сўнг акаси у билан гаплашмай қўйди. Орада тортишув бўлиб ўтди. Бундай тортишувдан сўнг Шариф акасини қандай қилиб уч олсам

АМАКИ ҚОТИЛЛАР

ёвдан 3 минг АҚШ долларини ундириш мақсадида улар Абдуқодирни ўғирлаб режасини тузишди. Шу мақсадни амалга ошириш учун Муҳаммадсоли Солиҳўжаев амакивачаси Абдуқодирни мактабдан кетаётганда уйингга олиб бориб

даётганини мана бу воқеадан ҳам кўрсак бўлади. Ўз акасининг ўглини ўғирлаб ундан пул ундиримоқчи бўлган Шариф Солиҳўжаевнинг ўз фарзанди жиғарбандини ҳам бу ишга жалб этгани нақадар тубанлашганлигидан даволат эмасми?

Амакиси Маҳмуд Солиҳўжаевдан 3 минг АҚШ долларини ундириш мақсадида улар Абдуқодирни ўғирлаб режасини тузишди. Шу мақсадни амалга ошириш учун Муҳаммадсоли Солиҳўжаев амакивачаси Абдуқодирни мактабдан кетаётганда уйингга олиб бориб

Юртимиз мустақилликка эришганидан буюн қанча-қанча йўллар, кўприклар бунёд қилинди. Нечане наҳа йўллар қайта таъмирланди. Санаб, санаюга етолмайсиз Бу борада пойтахтнинг шундоқ биқинида — Қўбрай туманида ҳам иборатли ишлар амалга оширилаетир.

Ҳақиқатан ҳам туманда йўлга эътибор яхши. Яқиндагина «Тошкент — Чирчиқ» йўлида катта ишлар булганлигига гувоҳ бўлдик. Тўғри, улкан-улкан чинорларнинг тўғри кесилиб кетди. Бу киши руҳини чўктириб юборган бўлса-да, сал ўтмай ўрнига машиналар тўрт қатор бўлиб қатнайдиған йўл бунёд қилинди. Уша йўл қурувчилар иши билан яқиндан танишиш мақсадида «Қўбрай автомобиль йўллари қурилиши» бошқармасида бўлдик. Техника бўлими бошлиғи Митхат Кабиров билан суҳбатимиз кейинги йилларда йўл қурилиши ва таъмирлаш ишлари ҳақида бўлди.

— Бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилаётган жамоамиз аҳли «Қўбрай автомобиль йўллари қурилиши» бошқармаси 208 километр масофадаги йўллари увол-савобини ўз зиммасига олган, — дейди жамоа раҳбари Йўлдош Тўхтаев. — Ана шу йўлларда 4 та бўлимга бўлиниб фаолият кўрсатами. Мажхуд йўлларнинг барчаси ўзига хос мураккаб тузилишга эга. Чунки мамлакатимиз пойтахтига туташ ҳар хил кабеллар, газ ва сув тармоқлари йўллар тагидан ўтказилгани, ишчи-хизматчиларимизни ўта зийраклик катта масъулият билан иши ёндашишини талаб этади. Бундан ташқари, тасарруфимиздаги йўлларимизда 43 та кўприклар, 604 та қувурлар мавжудлигининг ўзи ҳам фикримизни исботлаб турибди.

Ўтган йили жами 146,6 миллион

сўмлик иш бажардик. Амалга оширган ишларимиздан бири Тошкент — Чирчиқ йўналишидаги 14-, 17-километрлик йўллари кенгайтирдик. Эндиликда бу йўл икки қаторли йўлдан тўрт қаторли йўлга айланди. Урнатилган ёритиқ чироқлардан қўчалар янада ўзгалашди. Шунингдек, 28 километрдан иборат йўллар таъмирланди.

Ишларимиз чакки эмас. Янги асрга, янги мингйилликка улкан режалар билан бораёмиз. Биргина, тўққиз ой давомидида 98 миллион сўмлик иш амалга оширилди. Кўркам



ЎРУФ ХИЁБОН

ЙЎЛ РАВОН

усулдаги 66 та автобекат қурилди. Яна бир қувончли ютуғимиз, бу йил жамоамизда олиб борилаётган ишларнинг аксариятини компьютерлар асосида амалга ошира бошладик. Эндиликда ҳоҳ у ҳисоботда бўлсин, ҳоҳ амалиётда бўлсин ишлар энгиллашди. Вилоят бошқармаимиздан, қолаверса, «Ўзавтотўй» концернидан хоҳлаган тавсия ва кўрсатмаларни ўз вақтида компьютерлар ёрдамида олиб турибмиз. Гап келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, биз нафақат янги йўллар қураимиз, таъмирлаймиз, ҳатто, йўллارни қўркам ва раволигига, йўллар четидидаги дарах-

МАНЗИЛ ЯҚИН

манинг энг ишчан 417-йўл бўлимига мебеллар тўплами мукофотга берилди.

Жамоада тажрибали ишчи-хизматчилар ҳам талайгина. Фахрийлар эса эъзозда. Уларга моддий ёрдам кўрсатилиб турибди.

Албатта, саховат бор жойдан файзу баракат кўтарилмаиди. Қўбрай йўлсозлари билан қилган суббатларимиз давомидида мана шунга асосан бўлдик. Эро, йўли равоннинг манзили яқин бўлади.

Турсунали ҚИМОНОВ,
Маъмурият ҚИМОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбирлари

Мабодо, Қарши — Бухоро автомобиль йўли бўйлаб юрсангиз чўлу биёбонлар орасида ахойиб маскан кўз ўнгингизда намоён бўлади. Гарчи баланд қувурларда аланга ёниб, атрофдан газ хиди келаятган бўлса-да, бу ердаги боғни кўриб қувонасиз. Авваллари гиёҳ умнаган ерларда юз гектардан зиёд боғ яратиб унга яхши ният билан «Мустақиллик боғи» деб ном қўйилди.

Бу гузал боғ-роғлар Муборақ газни қайта ишлаш завоиди қарашли бўлиб, ишчи-хизматчиларнинг ҳақиқий дам олиш масканига айланган. Муъжазгина бозорча ҳам бор. Шу ернинг ўзиди шарқона услубда қурилган чойхона қад кўтарган.

Ҳа, Муборақ газни қайта ишлаш завоиди жамоаси ободончилик ишларига катта эътибор бериб маҳсулот ишлаб чиқариш борасида ҳам илғор. Ушбу улкан корхона бундан 30 йиллар аввал ўзининг дастлабки маҳсулотини берган эди. Ушанда завод бевосита марказ — Москва тасарруфиди бўлгани учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳам тўғридан-тўғри бошқа республикаларга жўнатиладди. Халқимиз эса газ ёнида газга зор бўлиб, гўзапола ёқишга мажбур эди. Завоиди малакали мутахассислар орасида маҳаллий халқ вакиллари санокли эди.

Бугунги кунда эса корхона ишчи-хизматчиларининг 70-80 фоизини миллий кадрлар ташкил этапти. Улар корхонадаги мураккаб муҳандислик-технологик жараёнларни кўнглидагидек бажаришяпти. Завод цехлари бўйлаб айлансангиз, мураккаб қурилмалар,

мукамал усқуналарни моҳирлик билан бошқараётган ўзбек йигит-қизларини кўрасиз. Уларнинг ўз ишига нисбатан юксак масъулияти ва байрат-шижоатини кўриб фахр-ифтихор туйғуларига тўласиз.

— Биласизми, — дейди корхона бош муҳандиси Уктам Умаров, — Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки



ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ ҚОН ТОМИРИ

пайтларда заводнинг газни қайта ишлаш қуввати йилига 22 миллиард куб метрни ташди. Биз ўша пайтлардаёқ корхонаимизнинг янада юксак даражада ривожланишини оруз қилгандик. Эро, корхонаимизнинг мамлакатимиз ёниги-энергетика тизимини барқарорлаштириб туришидаги ўрни беқийёс эканлигини тушунардик. Президентимиз 1993 йили заводга ташириф буюрганлигида биздаги ишларнинг республика халқ ҳўжалигидаги аҳамиятини таъкидлаб: «Муборақ газни қайта ишлаш завоиди — иқтисодийётимизнинг асоси, Ўзбекистонимиз фахридир», деган эдилар. Бундан руҳланган корхонаимиз ишчи-хизматчилари заводнинг йиллик ишлаб чиқариш қувватини 30 миллиард куб метрга етказишга аҳд қилишганди.

Дарҳақиқат, газчилар сўзларининг устидан қилдиқи. Мустақиллик йилларида корхонада ҳар бири икки миллиард куб метрдан газни қайта ишлаш қувватига эга бўлган 4 та янги блок-қурилма бунёд этилиб фойдаланишга топширилди. 1996 йилнинг охирида эса корхонанинг ҳозирча энг сўнгги — ўн бешинчи блок-қурилмаси ишга туширилди. Шуниси қувончлики, уни ишга тушириш учун борни йўғи олти ой вақт сарфланди. Ҳозирги пайтда заводнинг йиллик қуввати 30 миллиард куб метрга етган. Халқ ҳўжалигига 690 минг тонна олтингургурт, 17 минг тонна суоптирилган газ етказиб берилмоқда.

Яқин келажакда корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари янада оширилади. Бунинг учун яна учта блок-қурилма бунёд этиш қўзда тутилган.

Бугунги кунда ўз маҳсулотини хоржий мамлакатларга экспорт қилмаган корхонанинг келажаги йўқ. Бинобарин, истиклол ҳар бир корхонага бун-

нинг янги-янги қирраларини очмоқда. Корхонада ишлаб чиқариш миқёси кенгайтирилиб, янги технология жараёнлар йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Амирқоли Қўшма Штатларнинг «Дау Камик» компанияси билан ҳамкорликда фаолият юритишга қарор қилинди. Чехиянинг «ЧКД—Прага—Энерго» фирмасидан компрессорлар олиш режалаштирилган. Испания фирмасидан кимёвий-рагентлар сотиб олиш мўлжалланган.

Айни пайтда корхона талаб ва эҳтиёжга кўра, маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Чунончи, шу йилнинг тўққиз ойи ичида 19 миллиард куб метр газ қайта ишланди. 210 минг тонна олтингургурт, 9,5 минг тонна суоптирилган газ ишлаб чиқарилиди. Саққиз ойлик кўрсаткич бўйича 10,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Соф даромади эса 1,5 миллиард сўмни ташкил этди. Жамоа аъзоларининг ўртача ойлик маошини эса 24-25 минг сўмдан ошди.

Ута мураккаб қурилмаларни муваффақият билан ишлатиб, ўз вазифаларини сиққидилдан бажараётган малакали мутахассислардан Ўрмонжон Жўраев, Аҳмад Бегимқуров, Нина Шодиева, Бахтиёр Шероф, Ҳасан Иноков, Нина Лысенко ва Николай Будзиевскийлар корхонанинг чинакам маънодаги фахридир.

Хуллас, газни қайта ишловчилар 2000 йилни яхши якунлаб, йигирма биринчи асрнинг катта меҳнат ютуқлари билан қарши ололмоқда. Уларнинг нияти — янги асрда бундан-да яхшироқ, бундан-да сийратлироқ меҳнат қилиш ва юртимиз бойлигини бундан-да кўпайтириш.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
МИРҲАБИБОВ,
МИРҲАБИБОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбирлари

УЛКАН ИЖОДИЙ МАКТАБ

«Муаззам пойтахтимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлган Қорақалпоғистон маданияти байрами онгу шуғуримизда рўй бераётган ўзгаришларни тўла акс эттирди, она Ўзбекистонимиз қардошлик, бунёдкорлик ва маънавият ватани эканини яна бир қара тасдиқлади, десак, асло хато бўлмайди».

Оролбўйи халқи маданияти кунлари катнашчилари-



бўлди. Улар нафақат юрти- мизда, балки хорижда ҳам доғ тартган «Айқулаш», «Аму тўлқинлари» ансамбл- ларининг, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон симфоник оркестри ва филармонияси- нинг ажайиб концертлари ҳамда Қорақалпоқ муслиқий театри ижодкорларининг кизикарли чиқишларидан катта баҳра олди.

18 декабрь куни Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида Қо- рақалпоғистон маданияти кунларининг тантанали ёпи- лиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Қорақалпоғис- тон маданияти кунлари ара- фасида давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Фармо- нига мувофиқ Ватанимизнинг юксак орден-медаллари ва унвонларига сазовор бўлган ижодкорларга мукофотлар тантанали равишда топши- рилди.

Қорақалпоғистон мадани- яти кунлари катнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига яқдиллик билан Му- рожаатнома қабул қилдилар.

нинг мамлакатимиз Прези- денти Ислам Каримовга йўллаган Мурожаатномасида ана шундай ҳароратли сатр- лар бор. Мурожаатнома аср- лар оша ўз эркини, бахтини излаб, қўмсаб келган қора- қалпоқ халқи бугунги кунда ўз саодатини, бахтини бутун Ўзбекистон, ўзбек халқи бил- лан бирга кўраётганлигидан чекиз гурур ва ифтихор ҳисси билан йўрилган. Мух- тор Ашрафий номидаги Тош- кент давлат консерватория- си, «Баҳор» концерт зали, Республика кўйрақчоқ театри ва кинотеатрлар ҳам қора- қалпоқ санъати ихлосманд- лари билан янада гавжум



Суратларда: Қорақалпоғистон маданияти кунларидан лавҳалар. ■ Абдувоҳид Тўраев (ўзга) ва Тоҳир НИФМАТУЛИН олган суратлар

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 1-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ЖАДВАЛИ

1 Тур	Сумма	928974,1	928552,3	620911,1	225701,3	618738,2	128983,2	511642,3	728222,3
311348,2	4000	933823,3	933823,3	620957,2	225713,2	618884,3	133054,3	512020,3	728410,3
520378,2	2000	939534,1	939534,1	625591,2	225907,1	619011,2	133109,3	512156,3	733016,3
725477,2	12 Тур	111115,3	111115,3	628310,3	226011,3	619041,3	133318,1	512244,2	733024,3
66666	114610,3	112352,3	112352,3	628975,2	226041,3	620464,3	133516,3	512378,1	733059,3
	116746,3	115180,3	115180,3	633112,2	228315,3	620895,1	133545,2	512452,2	733157,1
	118144,2	116330,1	116330,1	633692,2	228906,3	625081,2	133585,3	513009,3	733241,3
	128966,1	118591,3	118591,3	633780,1	233825,1	625370,1	133828,2	513068,2	733375,3
	21632,2	119706,3	119706,3	639263,3	239198,1	625814,1	139333,1	514301,3	733414,3
	439701,2	121010,3	121010,3	639884,2	239270,3	625886,2	139423,1	514586,2	733501,1
	214159,3	119896,3	119896,3	711709,2	239319,1	628084,1	139742,2	514827,3	733810,3
	150000	120152,3	120152,3	712034,1	239508,2	628120,1	139954,3	516349,1	739130,1
	220381,2	120294,3	120294,3	712356,3	311258,1	628450,3	211250,3	516717,3	739828,2
	221076,2	120936,1	120936,1	712893,1	311370,2	628504,3	211340,3	517023,3	811593,2
	333504,2	125948,2	125948,2	714213,3	311504,2	636163,1	211381,1	517033,2	811818,1
	Сумма	125827,2	125827,2	715208,1	311557,1	639330,3	211478,2	517049,1	811961,3
	Кир ювиш	125842,1	125842,1	716348,1	311794,2	639600,3	211802,2	518119,3	812425,2
	машинаси	320106,3	125948,2	716511,1	312016,2	639614,1	211821,2	518194,3	812753,1
	411247,2	128553,3	128553,3	716960,2	312225,2	711163,2	211994,3	518247,1	812958,2
	416931,2	128938,1	128938,1	718407,3	312701,2	711656,1	212384,2	518368,2	814203,3
	125766,2	211230,1	211230,1	718581,1	312719,1	711676,3	212496,1	518464,3	814416,2
	239492,3	212272,3	212272,3	718816,1	312950,3	711812,2	212679,1	518557,3	814870,2
	528677,1	212291,1	212291,1	719084,1	313006,2	711925,1	214351,2	518767,2	815025,3
	Сумма	139044,2	139044,2	720132,1	314385,2	711953,3	214380,2	519645,3	816182,3
	1500000	121600,1	121600,1	720262,3	314809,2	712563,1	214683,1	519657,1	816667,2
	611921,1	121669,2	121669,2	720623,2	314839,2	712653,3	216902,2	520158,3	816797,3
	619618,2	121862,2	121862,2	720389,2	314939,2	715115,1	218278,1	520436,2	816829,1
	614595,3	121664,0	121664,0	720756,1	314939,3	715115,1	218278,1	520436,2	816829,1
	439613,3	121870,3	121870,3	725206,2	316299,3	716606,2	218931,3	520562,3	816934,1
	543083,3	218931,2	218931,2	725741,2	316315,2	718134,1	219051,1	520757,3	816875,1
	620087,3	219231,2	219231,2	728073,1	316688,3	718148,3	219596,3	520288,3	816934,1
	633740,2	220554,3	220554,3	728623,2	318105,2	718366,1	220207,2	525281,3	818388,2
	725780,2	212942,1	212942,1	733837,1	318156,2	719177,1	220893,3	525506,3	818488,3
	739577,1	220920,3	220920,3	739436,1	318168,2	720310,3	225192,3	525523,3	818790,3
	812325,3	228414,3	228414,3	739522,2	318636,2	725560,1	225221,2	525864,2	819640,3
	814842,3	228914,2	228914,2	739570,3	318763,1	725913,2	225596,3	528172,3	819835,2
	814917,2	228980,3	228980,3	811128,1	319148,2	728025,1	225726,1	528273,1	820007,2
	815190,1	239234,1	239234,1	811993,3	320131,1	728245,3	225872,3	528592,2	820137,3
	819994,1	239947,1	239947,1	814266,2	320885,2	728881,2	225903,2	528651,2	820684,2
	839191,3	311968,2	311968,2	814931,2	320960,1	728895,1	228167,3	528685,3	820717,3
	912554,3	312032,3	312032,3	816743,1	325110,2	732396,1	228479,3	533159,1	825578,3
	933025,1	316885,1	316885,1	816782,2	325252,2	736604,2	228643,2	533202,3	825710,3
	933290,2	319700,3	319700,3	816918,3	325869,3	739712,1	233069,1	533474,3	825825,3
	820082,3	325185,1	325185,1	818109,1	328056,1	742949,2	233508,1	539300,1	825837,1
	919274,3	325916,1	325916,1	818340,3	328723,1	811264,3	233634,3	539352,2	825966,3
	Сумма	328128,1	328128,1	818479,2	333084,2	811415,3	233775,3	539470,3	828047,3
	8000	111620,1	111620,1	818617,3	333169,1	811663,1	233793,3	539501,3	828078,2
	111789,3	333808,2	333808,2	818894,3	339341,3	811700,3	239337,2	539705,1	828136,3
	113121,3	339558,1	339558,1	819271,3	339392,3	811800,1	239926,1	539912,3	828951,3
	815166,2	115111,3	115111,3	819480,2	343081,2	812629,3	239936,1	611770,1	833123,2
	633125,2	119054,3	119054,3	820353,2	411778,3	812682,1	311328,2	611829,3	833703,3
	712241,3	120284,3	120284,3	820735,2	412075,3	812805,1	311389,3	611982,1	833713,3
	812532,1	121054,3	121054,3	828234,1	412360,1	815121,2	311868,1	612185,2	833762,1
	819438,3	121459,1	121459,1	833102,2	412422,1	816234,2	312203,3	612200,1	833762,1
	820395,1	121570,2	121570,2	839245,1	412694,1	816771,1	312372,3	612416,1	839452,1
	928383,2	121850,1	121850,1	911267,2	412802,3	816860,3	312875,3	612559,3	839592,3
	814334,3	121923,3	121923,3	914822,2	412920,3	818923,2	313082,2	612717,3	839692,2
	839111,3	121928,3	121928,3	914874,1	414346,2	820170,2	314960,3	612743,3	839933,2
	Сумма	428853,1	428853,1	916411,3	416305,3	820695,1	316487,1	612966,3	843112,3
	7000	439655,3	439655,3	916450,1	416552,2	821000,3	316521,3	613005,1	843112,3
	233036,1	511164,1	511164,1	916524,3	416624,3	825139,1	316855,2	613023,1	843112,3
	111194,3	511626,1	511626,1	918252,2	416742,3	825346,3	316943,3	613094,3	843112,3
	216650,3	511775,3	511775,3	918392,3	418138,3	828322,2	318872,1	614312,1	843112,3
	242900,1	511835,2	511835,2	920128,3	418337,2	828733,3	318938,3	614420,3	843112,3
	533192,3	512954,3	512954,3	920584,1	418568,1	828826,1	320487,1	614807,2	843112,3
	614975,2	516138,3	516138,3	920800,1	419248,2	828903,3	320574,3	616243,2	843112,3
	814334,3	516897,3	516897,3	920808,1	420159,2	832993,1	320704,3	616298,1	843112,3
	839111,3	519073,3	519073,3	920879,1	420352,3	833104,3	320744,1	616426,1	843112,3
	Сумма	520064,3	520064,3	933134,1	420522,2	833154,1	320790,2	616552,2	843112,3
	6000	525179,3	525179,3	933337,2	420977,2	839071,1	321056,2	616761,1	843112,3
	10 Тур	525479,3	525479,3	933610,1	421024,2	839308,1	321056,2	616790,2	843112,3
	111636,1	539150,1	539150,1	933610,1	421039,2	839394,2	321058,1	616819,2	843112,3
	139788,2	543028,1	543028,1	933610,1	421048,2	839432,3	321058,1	616819,2	843112,3
	212235,2	544947,3	544947,3	933610,1	425164,1	839573,1	321058,1	616819,2	843112,3
	315098,3	546277,2	546277,2	933610,1	425176,3	839573,1	321058,1	616819,2	843112,3
	325214,3	546810,1	546810,1	933610,1	425176,3	839573,1	321058,1	616819,2	843112,3
	433101,3	548788,1	548788,1	933610,1	425176,3	839573,1	321058,1	616819,2	843112,3
	520351,2	548788,1	548788,1	933610,1	425176,3	839573,1	321058,1	616819,2	843112,3
	528713,3	548788,1	548788,1	933610,1	425176,3	839573,1			